

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ПАРИЖ ХАЛҚАРО МОДА АКАДЕМИЯСИ**  
**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҚўШМА ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ**



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент тўқимачилик ва  
енгил саноат институти  
ректори

 Д.Вахабов

“26” “06” 2023 йил

**“Костюм дизайни ва мода индустриясини бошқариш” магистратура**  
мутахассислигига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида

**НИЗОМ**

**Тошкент-2023**

Ушбу Низом Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (ТТЕСИ)  
ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган (2023 йил “ 23 ”  
06 , 12 - сонли мажлис баёни).

**Тузувчилар:** ТТЕСИ ўқув ишлари бўйича проректори,  
“Костюм дизайни” кафедраси профессори,  
техника фанлари доктори Х.Камилова

ТТЕСИ “Костюм дизайни” кафедраси мудири  
У.Вахидова

**Такризчи:** Париж халқаро мода академияси (AICP) профессори  
Marie-Claire Moorogan

## **1. Умумий қондалар**

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Париж халқаро мода академияси билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастури бўйича **“Костюм дизайни ва мода индустриясини бошқариш”** магистратура мутахассислигига (кейинги ўринларда магистратура деб аталади) талабаларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Магистратурага қабул Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

1.3. Магистратурага қабул қилиш танлов асосида суҳбат натижалари ва портфолио баллари бўйича амалга оширилади.

Магистратурага қабул тегишли таълим йўналиши ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган турдош (магистратурага қабул бўйича) олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар ўртасида танлов (суҳбат асосида) амалга оширилади.

1.4. Магистратурага қабул қилиш ишлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ жорий ўқув йили учун тайинланган институт қабул комиссияси зиммасига юкланади ва магистратурага қабул қилиш ишлари бўйича қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари тайинланади.

## **2. Хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш**

2.1. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

## **3. Хужжатларни қабул қилиш тартиби**

3.1. Магистратурага кириш имтиҳонлари бошланишидан бир ой аввал, институт қабул комиссияси магистратурага қабул қилиш муддатлари, мутахассисликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилади.

3.2. Магистратурага киришда абитуриентлар (бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар) институт қабул комиссиясига қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

-магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректори номига ариза;

-олий маълумот тўғрисидаги хужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма - Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;

-чоп этилган илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган хужжатлари) нусхаси (мавжуд бўлган ҳолда);

3.5 x 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

086 У - шаклдаги тиббий маълумотнома;

3.3. Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

3.4. Ҳужжатлар тақдим этилиши жараёнида абитуриентлар паспортини шахсан кўрсатадилар.

#### **4. Ўқишга қабул қилиш тартиби**

4.1. Институт қабул комиссиясининг магистратурага қабул қилиш тўғрисидаги қарори 25 августдан кечикмай қабул қилинади ва бу талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги институт ректорининг буйруқларини расмийлаштириш учун асос бўлади.

4.2. Портфолиони баҳолаш мезонлари (критерии оценки портфолио) 1-илова ва суҳбат саволлари (вопросы собеседования) 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

#### **5. Яқунловчи қоида**

5.1. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## Портфолиони баҳолаш мезонлари

Магистратурага қабул қилиш портфолиони баҳолаш ва суҳбат натижалари бўйича танлов асосида амалга оширилади.

Портфолио — бу ижодий ишлар тўплами. Унга кўра, қабул комиссияси абитуриентнинг касб маҳорати, ғоялари, истеъдоди ва салоҳиятини баҳолайди.

Портфолио визуал материаллардан, лойиҳа тавсифларидан иборат юқори сифатли бўлиши керак ва унга Интернет ресурслардаги дизайн портфолиога тегишли ҳаволалар қўшилиши мумкин.

Кўшимча равишда танловлар, кўргазмаларда иштироки ва дизайн бўйича олимпиадалар дипломлари ва сертификатлари тақдим қилиниши мумкин. Визуал материаллар сони чекланмаган.

Ҳужжатда сарлавҳа саҳифаси биринчи бўлиб жойлаштирилади ва қабул комиссияси у билан барча файллардан аввал танишадилар. Ушбу файл варағи маълумотни бериши билан бирга қисқача ва диққатни тортадиган бўлиши керак. У ўз ичига абитуриент ҳақида маълумот, таълими ва иш тажрибасини олган бўлиши керак.

Портфолио одатда абитуриентлардан ижодий йўналишни талаб қилади.

Портфолио ёрдамида қабул комиссияси абитуриентни бир неча мезонлар бўйича баҳолаши мумкин:

- сарлавҳа варағи,
- ўзи тўғрисида маълумот,
- ижодий қобилият,
- иш тажрибаси, ютуқлар
- тадқиқот қобилияти.

Портфолио 100 – балл асосида баҳоланади.

Афзалликлар- иш тажрибаси ёки мутахассислик бўйича таълим бўлса.

Портфолио унинг дизайн ва мода соҳасидаги малакали мутахассис малакаси даражасини кўрсатиб бериши керак.

### Портфолиони баҳолаш мезонлари:

- сарлавҳа варағи ва ўзи тўғрисида маълумот (1дан 14 баллгача)
- етарли ҳажм (1 дан 18 баллгача);
- тақдим этишда иш тозалиги (1 дан 18 баллгача);
- тўпламнинг ўзига хослиги (1 дан 18 баллгача);
- материалларни тўғри танлаш (1 дан 16 баллгача);
- композицион ечим (1 дан 16 баллгача).

## СУҲБАТДАН ЎТИШ САВОЛЛАРИ

Суҳбат давомида абитуриент дастурга кириш сабаблари, шахсий таълим мақсадлари ҳақида гапириб беришга тайёр бўлиши, шунингдек имтиҳон комиссиясининг дизайн ва мода соҳасидаги афзалликлари бўйича саволларига жавоб бериши керак.

Имтиҳон комиссияси аъзолари абитуриентга касбий тажрибасини баҳолаш ва унинг ижодий салоҳиятини аниқлаш мақсадида қўшимча саволлар бериш ҳуқуқига эга.

1. Нима сабабдан сиз айнан Париж Халқаро мода Академиясининг қўшма факультетини танладингиз?
2. Бакалавиятуранинг қайси йўналишини тугатгансиз? Аввал қаерда таълим олгансиз?
3. Парижга бориш учун ҳаражатларни тўлай оласизми?
4. Нима сабабдан мутахассислигингизни ўзгартиришга қарор қилдингиз? (агар янги мутахассислик бўйича ўқишга қираётган бўлсангиз)
5. Бошқа университетларга ҳам ҳужжатларингизни топширганмисиз? Агар бизнинг ОТМ га қира олмасангиз нима қиласиз?
6. Мода соҳасида иш тажрибангиз борми? Қандай қўшимча дизайн курслари ёки дастурларида ўқигансиз?
7. Ўз режаларингиз ҳақида гапириб беринг: магистратурани тугатгандан сўнг қандай касбий йўлни танламоқчисиз, 5 йил ўтиб ўзингизни қаерда кўряпсиз?
8. Сизнингча тақдим этилган портфолиодаги энг яхши ишингиз қайси? Нима сабабдан?
9. Сиз ишлаган икки ёки учта ижодий лойиҳалар ҳақида гапириб беринг? Айтинг-чи, ушбу лойиҳаларда сиз учун нима айниқса муҳим эди?
10. Либослар тўпламини лойиҳалаш ва тайёрлаш бўйича тажрибангиз борми? Тикишни биласизми?
11. Энг яхши кўрган бренд номини айтинг?
12. Республика ва халқаро мода намоишларида, ижодий лойиҳаларда ва танловларда иштирок этганмисиз / бу танловларда ғолиблигингиз?
13. Илмий лойиҳаларда / конференцияларда / халқаро грантларда иштирок этганмисиз?
14. Айти дамба ҳаётингизда энг катта ютуғингиз нимада деб ҳисоблайсиз?
15. Сиз танлаган йўналиш бўйича ўз иш фаолиятингизни қандай ривожлантирмоқчисиз?

## Критерии оценки портфолио

Зачисление в магистратуру происходит в ходе конкурсного отбора по оценке портфолио и итогам собеседования.

Портфолио — это собрание работ. По нему приемная комиссия оценивает профессиональные навыки поступающего, его идеи, талант и потенциал.

Портфолио должно быть качественно составлено из визуальных материалов, описаний проектов, в него могут быть добавлены актуальные ссылки на дизайн-портфолио на интернет-ресурсах. Дополнительно могут быть предоставлены дипломы и сертификаты конкурсов, участия в выставках и олимпиад по дизайну. Количество визуальных материалов не ограничено.

Титульная страница является первой в документе, с ней члены комиссии знакомятся еще до всех остальных файлов. И этот лист должен быть информативным, но кратким, а также привлекающим внимание.

Включает информацию о себе, об образовании и опыте работы.

Портфолио чаще всего требуют от абитуриентов творческих направлений. С помощью портфолио приемная комиссия может оценивать абитуриента по нескольким критериям:

- **титульный лист,**
- **информация о себе,**
- **творческие способности,**
- **опыт работы, достижения,**
- **исследовательские навыки.**

Портфолио оценивается по 100-балльной шкале. Преимущество — опыт работы или обучение по специальности. Портфолио должно демонстрировать уровень его профессиональной компетенции в области дизайна и моды.

### **Критерии оценки портфолио:**

- титульный лист и информация о себе (1 – 14)
- достаточный объем (от 1 до 18 баллов);
- аккуратность подачи (от 1 до 18 баллов);
- оригинальность коллекций (от 1 до 18 баллов);
- правильность подбора материалов (от 1 до 16 баллов);
- композиционное решение (от 1 до 16 баллов).

## ВОПРОСЫ СОБЕСЕДОВАНИЯ

В ходе собеседования абитуриент должен быть готов рассказать о мотивах поступления на программу, личных учебных целях, а также ответить на вопросы экзаменационной комиссии о собственных предпочтениях в области дизайна и моды.

Члены экзаменационной комиссии вправе задавать абитуриенту дополнительные вопросы с целью оценки профессионального опыта и выявления его творческого потенциала.

16. Почему вы выбрали именно Совместный факультет Международной Академии моды Парижа?
17. Какое направление бакалавриата вы заканчивали? Где вы учились ранее?
18. Сможете ли вы оплатить поездку в Париж?
19. Почему вы решили изменить специальность? (если вы поступаете на учебу по новой специальности)
20. Подавали ли вы документы в другие университеты? Что вы будете делать, если не поступите в наш вуз?
21. Есть ли у вас опыт работы в fashion индустрии? На каких дополнительных курсах или программах по дизайну вы учились?
22. Расскажите о планах после института: где видите себя через 5 лет, какой профессиональный путь хотите избрать после окончания магистратуры.
23. Какую свою работу из представленных в портфолио вы считаете лучшей? Почему?
24. Можете ли вы рассказать о двух или трех творческих проектах, над которыми вы работали? Расскажите, что в этих проектах было для вас особенно важно?
25. Есть ли у вас опыт в разработке и изготовлении коллекций моделей одежды? Умеете ли вы шить?
26. Назовите своего любимого бренд?
27. Принимали ли вы участие в международных и республиканских показах моды, творческих проектах и конкурсах / победа в этих конкурсах?
28. Принимали ли вы участие научных проектах /конференциях/ международных грантах?
29. Что вы считаете своим главным достижением в жизни на данный момент?
30. Каким образом вы собираетесь развивать свою карьеру в выбранном направлении?